





«МАЗЗАМ ШАРҚ НАМОЁНДИР СЕНИНГ ТУКИЗА ЖОННИНДА»

РОБИЯ ҚИЗДОРИЙДАН ЗУЛФИЯГАЧА...

Улвия шоирамизнинг 85 ёшига сўз

Робия Киздорийлардан, Зобуниссолардан, Нодирабегим, Увайсий, маъзуна, Анбар отинлардан қолиб келётган, ўзбек аёлларининг каттадан кичик барчасига мерос бўлиб ўтаётган бир орзу бор. Бу эрқ истаги. Озодлик хаёли. Бу озодликнинг улар табиат ато этган ноёб неъмат — ҳаётда узини энг гўзал ва энг муносив тарафда намоян этиш имконияти ва ҳужуми деб тушунар дидлар. Рухоний, диний, маънавий, маърифий ва ўзга инсоний талаблар худди мана шу оқдий ва беҳад табиий нарс — АЕЛНИНГ ҲАЖИГА ИНИ АЕЛНИНГ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТТИН деб иттилар эдилар. Шарқ аёли ғамдан ҳам маззадан ҳам аввал зарурий деб ўрган бу интишлар қайси замонда бўлмасин, қайси тузум инсон бошида от уйнатиб турмасин, унинг бошига чекисиз ҳождилар, алам-ситамлар, ҳўрлик ва зорликларни ётдири.

Бирон халқни тобе қилиш, аввало, унинг авларини тобе ва қарам қилишдан бошланади. Аёллари хар қанча зулм қурса ҳам тобе бўлмаган халқ ҳеч қачон тобе бўлмади. Ҳеч қачон зулм ва адолатсизликка бўйин эгмади. Қишанларга қучини бермади. Табиат оқод. Лекин у ўз қатий қонуниятларига бўйсунди ва шу қонуниятлари доирасида яшайди, ўз мангу достоҳини айлантиради. Аёллар табиатга бениҳоя ақил бўладилар. Улар табиатни ҳаммадан ҳам ўқирроқ хис қилдилар ва табиқатнинг ҳақлиқ, мейвё, қоксақ дарахларида саранкомлик билан юзага чикарадilar. Шарқ аёлларининг бу орзуси не тақдирларга айланади, не-не асарларга, ёник сатрларга айланади...

Зулфия манглайимга ой нури тушди Бугун манглайимга ой нури тушди, Хайратдан титради ўйроқ баҳарси. Менинг борагимни галат ҳис қилди, Неларни ўқиди кекарсан кўзда...




Салқин оромиди йўқолар тиңчим, Демак, шафақ мен-чун ёққилиғи бу!

Бахтдан, бахтсизликдан қолсам додираб, Сенга қўшиқ айтиб, сенга дейман дод, Ёнсам сун сепасан, сунсам ёдириб, Бошиңга кўтаринг онадан иёд.



Асрларнинг индоси янраган хар парда — сатрингим,



Эркин ВОХИДОВ, Ўзбекистон халқ шоири

ТЕРАНЛИК

шоира Зулфияга

Теранликни қидирмадим уммонлардан, Инсонлардан топодим уни, инсонлардан. Теранлик — бу нур ёгилан кўзлардадир, Теранлик — бу ўйчан боққан кўзлардадир, Теранлик — бу айтилмаган сўзлардадир. Майингина чимирилган қошлардаги, Нукра-нукра қиров қўнган сочлардаги, Бўронларда эзилмаган бошлардаги Теранликнинг таърифига сўз бормикан...

Ўткир ХОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МЕНИНГ ЗУЛФИЯ ОПАМ

Бундан йигирма йил аввал бошимга мусибат тушди: онам вафот этди... Икки кун аввал — 8 Март байрамда ўйнаб-қулиб ўтирган одам тўсатдан кўз юмди... «Ота-она ўлмоғи мерос» деган гап бор. Бироқ ақил қишининг вафоти доим адолатсизликдек туюлаверади. Айнакча, у бир лаҳзада йўқ бўлиб қолса...

Ушбу мақола юзасидан, шунингдек, «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссдорлик жамияти маъмуриятининг буйруғига биноан спорт маммуиини ёзган мавсумга тайёраша ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бадиий ҳаваскорлик ўз маънавлари ҳисобига Бекобод металлургия саройи маданий-маърифий ишларини кенг йўлга қўйиб, мўйил пап жағарапяти. Тақдиркорлик маданият ходимлари фаолиятиндан тобора қўламлари ўрин эгалламоқда.

Газетамизнинг 2000 йил 11 феврал сониди шу сарлавҳа остида мақола эълон қилиниб, унда Тошкент шаҳридаги баъзи спорт мактабларининг авялиги аҳоли танқид қилинган эди. Маъзур мақола юзасидан Тошкент шаҳар халқ таълими бощ бошқармаси бошлиғи Х. Йўлдошев имзоси билан жавоб хати олинди.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар «ТОР ЖОЙДА ТОМОША» КЕНГ ЖОЙДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ риш бериш ҳақидаги буйруғи инобатга олинди. Мақолада кўрсатилган 13-спорт мактабиди камчиллар бўйича таъмирлаш ишлари бoshлаб юборилди ва жорий йилнинг биринчи чоратида тула бажарилади.

1 март – Халқаро фуқаро муҳофазаси куни

XX аср пойида Дунё харитаси қайта тузилиб, жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги мустақил давлатлар пайдо бўлди. Улар орасида Ўзбекистон ўз салоҳиятига эга бўлиб, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий йўналишларда дунё меҳваридан тобора муносиб ўрин эгаллаётгани ҳаммамизни қувонтирмоқда.

Аммо шу она-заминда истиқомат қилаётган фуқароларнинг саломатлиги, турли офату-фалокатлардан тулик кафолатланмаганлиги ҳам аён. Сайёрамизнинг айрим бурчакларидаги нотинчликлар, табиий офатлар аҳолининг хотиржамлигини бузиб, давлатларнинг иқтисодий барқарорлигига, ривожланиш суръатларига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганлигини кўриб турибмиз. Кўпгина давлатларда фуқулдда вазиятларнинг олдини олиш, башоратлаш тадбирлари катта-катта маблағлар сарф қилинмоқда. Натижада юз бериши мумкин бўлган хавфнинг олди олинмаси, энг муҳими, инсонлар ҳаёти ва фаолиятининг хавфсизлиги, фуқаро муҳофазаси таъминланаётган.

Фуқаро муҳофазаси ташкилотининг 9-Бош Ассамблеяси келишувига мувофиқ, ҳар йили 1 март Халқаро фуқаро муҳофазаси куни сифатида нишонланаётганлигининг боиси шунда. Асрлар

заминини асраб-авайлаш борасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, рўй бериши мумкин бўлган фуқулдда вазиятларнинг олдини олиш, башоратлаш, талофатларни камайтириш ва содир бўлган нохуш вазиятлар оқибатларини бартараф этиш йўллари меъёрий асосини белгилаб берди. Тегишли қонунлар,

оналар масъулияти, катта турмуш тажрибасига эга бўлган фахрийларнинг панд-насихатлари алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш, фуқаро муҳофазаси бўйича доимий махсус эшиттириш ва курсатувлар ташкил этиш зарур.

Мақтаблар ва бошқа ўқув юртурларида фуқаро муҳофазаси асосларига бағишланган алоҳида дарс соатлари, илмий анжуманлар, давра суҳбатларини янада кенгрок микёсда олиб

ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

туташ келган паллада Ватанимиз микёсда 1 мартни фуқаро муҳофазаси куни сифатида нишонлашимизнинг яна бир рамзий маъноси, 2000 йилнинг Президентимиз Ислам Каримов томонидан «Соғлом авлод йили» деб белгилашидир.

Олий Мажлис аҳоли хавфсизлигини, фуқаро саломатлигини кафолатловчи ва жамиятнинг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча ҳужжатлар қабул қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятлари фуқулдда вазиятлардан муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонуни инсон саломатлигини таъминлашда, муқаддас

меъёрий ҳужжатлар ва қарорлар ижросини пайсалга солишга, эътибордан четда қолдиришга бирортамизнинг ҳаққимиз йўқ. Фуқаро хавфсизлигини таъминлаш органлари хавфсизлик муаммоларини ечиш йўллари тааллуқли кўланмалар ва нохуш вазиятларда аҳолини тўғри ҳаракат қилиш қоидалари акс этган эслатмалар, ўқув дастурлари тайёрлаб, кенг микёсда тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Ҳаёт хавфсизлиги муаммолари, фуқаро муҳофазаси талаблари оилада, маҳаллаларда, ташкилот ва муассасаларда тарғиб қилиниб, тарбия элементининг ажралмас бўлинига айлантирилиши лозим. Бунда, албатта, ота-

бориш фойдалидир. Маҳаллаларда давра суҳбатлари, йиғилишлар ташкил этилиб, фуқаро муҳофазасига доир қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг моҳияти, мақсади, уларга амал қилиш йўллари тарғиб қилиниши, аҳолининг ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий маданиятини ёлпасига оширишга эришилади.

Фуқаро муҳофазаси ҳозирги кунда долзарб тус олгани бежиз эмас. Ҳар биримиз бу муҳим жабҳа ривожига ўз ҳиссамизни қўшишимиз шарт. Зеро, «Сақлангани-сақлайман» иборасининг асосий маъноси ҳам шунда.

Анвар НУРҲУЖАЕВ, Фуқаро муҳофазаси институти бўлигининг ўринбосари.

Анжуман

Кеча Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидадарастликнинг олдини олиш чоратадбирлари бағишланган семинар ўтказилди. Унга нафақат халқ таълими муассасалари раҳбарлари, балки имом-хатиблар, ички ишлар ва «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбарлари, ота-оналар, маҳалла оксоқоллари ҳам таклиф этилди.

Сўзга чиққанлар маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги, Вазирилар Маҳкамасининг бу борадаги қароридан кўрсатилган йўналишларнинг долзарблиги, диний экстремизм ва диний ақидадарастлик иллатини тағтомири билан йўқотиш лозимлиги ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Айниқса, вилоят маънавият ва маърифат маркази раҳбари Р. Шералиев ҳамда фалсафа фанлари номзоди С. Бойматовнинг чиқишлари ва таклифларини жамоатчилик кизгин қарши олди.

Анжуман бир кунда тугади. Аммо унинг мазмун-моҳияти ва таъсир кучи йилларга татигулик бўлди.

Э. БОЛИЕВ.

РАҲИМ БЕКЖОНОВИЧ БЕКЖОНОВ



Ўзбекистон фани огир жудолика учради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райхон Беруний номидидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофоти совриндори, физика-математика фанлари доктори, профессор Раҳим Бекжонович Бекжонов узок давом этган касалликдан сўнг 70 ёшида вафот этди.

экспериментал базасини яратиш, Ўзбекистонда ядро физикаси фанини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш ва ривожланган мамлакатлар билан халқаро илмий ҳамкорликни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Р.Бекжонов самарали педагогик фаолият ҳам олиб борди. Кўп йиллик педагогик тажрибасини умумлаштириш асосида биринчи марта Ўзбек тилида республика олий ўқув юртурлари ва мактаблари учун физика фани бўйича ўқув кўланмалари яратган. У юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшган олимдир. Унинг бевоқиф раҳбарлигида кўплаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик Р.Бекжонов ўзидаги ватанпарварлик, ташаббускорлик ва тинимсиз ангиллик интилувчанлик каби фазилатларни шогирдларига сингдира олган. Унинг кўплаб юқори малакали шогирдлари фан, таълим ва саноят соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда.

Таниқли олим, илм-фаннинг фидойиси академик Раҳим Бекжоновнинг ёрқин хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси.

«КИЗИЛ КИТОБ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти ва Ботаника боғи олимлари томонидан тайёрланган «Ўзбекистон Кизил китоби»нинг янги наشري босмадан чиқди.

наширга 163 та камёб ўсимлик турлари киритилган бўлса, бугунга келиб, янги-янги йўллар барпо этилиши, саноят корхоналарининг кўпайиши, бир сўз билан айтганда, инсон фаолиятининг табиатга ўтказган таъсири натижасида ўсимликлар дунёси катта зарар кўрмоқда.

Жараён

— Унда республикамизнинг турли табиий минтақаларида ўсади-ган камёб ва йўқолиш хавфи остидаги 301 та нобў ўсимлик турларининг таснифи берилган, — деди Ботаника институти директорининг ўринбосари Ёқутхон Солиева. — Ҳозирда Ўзбекистон наботот оламида 6,5 миңдан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 12 фоизи йўқолиш арафасида.

Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон флорасидаги нобў турларни сақлаб қолиш учун ҳар бир худудда махсус қўриқона ташкил этиб, камайиб бораётган ўсимликларнинг табиий ҳолатини ва экологик, биологик хусусиятларини ўрганиш ишларини кенгайтириш лозим бўлади.

«Кизил китоб»нинг 1984 йили чоп этилган биринчи

«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

8 МАРТ ВА НАВРЎЗ БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИ УЧУН ЯНА ҚУЙИДАГИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

«8 Март» қўйилмаси — маблағлар йилига 100% даромад тўлаш шарти билан 1 мартдан 7 мартгача (10 кунлик муддатга) қабул қилинади. «Наврўз» қўйилмаси — маблағлар йилига 70% даромад тўлаш шарти билан 9 мартдан 20 мартгача (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.

АЙНИ ПАЙТДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ҚЎЙИЛМАЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ОШИРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- «Сўм карточкаси» қўйилмаси - йилига 36%, талаб қилиб олинмаган фоизларни капиталлаштириш натижасида даромад йилига 42,6%ни ташкил этади. «Таътил» қўйилмаси (3 ой муддатга, талаб қилиб олинмаган ҳисобварақлар бўйича шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади) - йилига 33%, талаб қилиб олинмаган фоизларни капиталлаштириш натижасида даромад йилига 38,5%ни ташкил этади.


ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ ТУРДАГИ МУДДАТЛИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

- «Оқсоқол», «Меҳрибон она» (1 йил муддатга) - йилига 25%, «Тўёна» (2 йил муддатга) - йилига 30%, «Сарпо» (3 йил муддатга) - йилига 31%, «Келажак» (камида 5 йил муддатга) - йилига 36% (МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича), «Муддатли» (5 йил муддатга) - йилига 40%.

2000 йилнинг 1 апрелида «Нисо» қўйилмасининг амал қилиш муддати тугайди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки — сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафолатдир.

Қушимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг истаган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.



Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Худоберов, И. Шогүломов, О. Қанибергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

Рушқатдан ўтин тартиби № 00001
Буюртма Т — 196. 27017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Қозғоз бичими А-2.
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКНИЙ ва Жамал ТОРАЕВ томонидан сақлаланди.
Тахрирхонада ҳажми 5 қозғоздан зинд материаллар қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орипов.
Набатчи муҳаррир — И. Худоберов.
Набатчи — А. Шоқиров.
Мусаххих — Ш. Маираббоев.

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахоноси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. Боснига топшириш вақти—21.00 Боснига топширилади: 21.40 1 2 3 4 5 6